

Қумқұрғон туманининг барча мактабларида "Сүнгги қүнғироқ" жаранглади



Бугун 25-май – юртимиздаги барча умумтаълим мактабларида "Сүнгги қүнғироқ" тадбирлари бўлиб ўтди. Хусусан туманимиздаги 84 та умумтаълим, 2 та ихтисослаштирилган мактаб интернати, 2 та касб-хунар ва 1 та ихтисослаштирилган мактабларида сўнги қүнғироқ садолари жаранг сочмоқда.

Қумқұрғон туман ҳокими Анвар Нормаматов "Қорсоқли" маҳалласида жойлашган 5-сонли умумтаълим мактабида бўлиб, битируучи ўқувчиларни самимий табриклади ва Президентимизнинг мамлакатимиз мактаблари битирувчи ёшларига йўллаган табригини ўқиб эшилтирди.

Шундан сўнг, ўқув йили сарҳисоб қилинди, билимлар беллашуви, спорт мусобақалари, турли танловларда ва мактаб ҳаётида фаол иштирок этган иқтидорли ўқувчилар ҳамда фидойи ўқитувчилар тақдирландилар.

Маълумот ўрнида, 2023-2024-йукуб йилида 9-синфни 4 минг 515 нафар, 11-синфни 3 минг 159 нафар ўқувчилар тамомламоқда.